

وَأَمَّا الْحَادِيثُ:

فَالْأَوَّلُ: عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «عُرِضَتْ عَلَيَّ الْأُمُّ، فَرَأَيْتُ النَّبِيَّ وَمَعَهُ الرُّهْيَطُ، وَالنَّبِيَّ وَمَعَهُ الرَّجُلُ وَالرَّجُلُانِ، وَالنَّبِيَّ وَلَيْسَ مَعَهُ أَحَدٌ؛ إِذْ رُفِعَ لِي سَوَادٌ عَظِيمٌ فَظَنَّتُ أَكْهُمْ أُمَّتِي، فَقِيلَ لِي: هَذَا مُوسَى وَقَوْمُهُ، وَلَكِنِ انْظُرْ إِلَى الْأَفْقِ، فَنَظَرَتُ فَإِذَا سَوَادٌ عَظِيمٌ، فَقِيلَ لِي: انْظُرْ إِلَى الْأَفْقِ الْآخِرِ؛ فَإِذَا سَوَادٌ عَظِيمٌ، فَقِيلَ لِي: هَذِهِ أُمَّتُكَ، وَمَعَهُمْ سَبْعُونَ أَلْفًا يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ بِغَيْرِ حِسَابٍ وَلَا عَذَابٍ» ثُمَّ تَهَضَّ فَدَخَلَ مَنْزِلَهُ، فَخَاضَ النَّاسُ فِي أُولِئِكَ الَّذِينَ يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ بِغَيْرِ حِسَابٍ وَلَا عَذَابٍ، فَقَالَ بَعْضُهُمْ: قَلَّ عَلَيْهِمُ الَّذِينَ صَاحَبُوا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَقَالَ بَعْضُهُمْ: قَلَّ عَلَيْهِمُ الَّذِينَ وُلِّدُوا فِي الإِسْلَامِ فَلَمْ يُشْرِكُوا بِاللَّهِ وَدَكْرُوا أَشْيَاءً، فَخَرَجَ عَلَيْهِمْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: «مَا الَّذِي تَحْوُضُونَ فِيهِ؟» فَأَخْبَرُوهُ فَقَالَ: «هُمُ الَّذِينَ لَا يَرْقُونَ، وَلَا يَسْتَرْقُونَ، وَلَا يَتَطَيَّرُونَ، وَعَلَى رَءُومِهِمْ يَنْوَكُلُونَ» فَقَامَ عُكَاشَةُ بْنُ مُحْصَنٍ فَقَالَ: ادْعُ اللَّهَ أَنْ يَجْعَلِنِي مِنْهُمْ، فَقَالَ: «أَنْتَ مِنْهُمْ» ثُمَّ قَامَ رَجُلٌ آخَرُ فَقَالَ: ادْعُ اللَّهَ أَنْ يَجْعَلِنِي مِنْهُمْ، فَقَالَ: «سَبِّلْكَ إِهَا عُكَاشَةً» مُتَّفِقٌ عَلَيْهِ [خ 5705، م 220].

«الرُّهْيَطُ بِضَمِّ الرَّاءِ: تَصْغِيرٌ رَهْطٌ، وَهُمْ دُونَ عَشْرَةِ أَنْفُسٍ. «وَالْأَفْقُ»: النَّاحِيَةُ وَالْجَانِبُ. «وَعُكَاشَةُ» بِضَمِّ الْعَيْنِ وَتَسْدِيدِ الْكَافِ وَتَحْفِيفِهَا، وَالتَّسْدِيدُ أَفْصَحُ.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Менга умматлар кўрсатилди. Баъзи пайғамбарларнинг атрофида кичик бир гурух, баъзиларининг атрофида бир-икки киши турганини, баъзиларининг атрофида эса ҳеч ким йўқлигини кўрдим. Шу пайт менга улкан оломон кўрсатилди. Ўшалар менинг умматим бўлса керак, деб ўйладим. Аммо менга: «Бу - Мусо соллаллоҳу алайҳи васаллам ва унинг қавми. Сен уфқа қарагин», дейишди. Қарасам, улкан оломон. Яна менга «Бошқа уфқа ҳам қарагин», дейишди. Яна қарасам, улкан оломон. «Мана шу сенинг умматинг. Уларнинг етмиш минги жаннатга ҳисоб-китобсиз ва азобсиз киради», дейишди». Шундай деб, ўринларидан туриб, уйларига кириб кетдилар. Одамлар эса жаннатга ҳисоб-китобсиз ва азобсиз киравчи ўша кишилар ҳақида гаплаша бошлишди. Баъзилари: «Улар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг саҳобалари бўлса керак», дейишди. Баъзилари эса: «Улар Исломда туғилиб, Аллоҳга ҳеч нарсани шерик қилмаганлар бўлса керак», деди. Яна бошқа бир қанча нарсаларни гапиришди. Шу пайт Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг олдига чиқиб, «Нима ҳақида гаплашяпсизлар?» дедилар. У зотга бор гапни айтишди. Шунда у зот: «Улар дам солмайдиган, дам солдирмайдиган ва шумланмайдиган ҳамда Роббларига таваккул қиласиганлардир», дедилар. Шунда Уккоша ибн Михсан ўрнидан туриб, «Аллоҳга дуо қилинг, мени ўшалардан қилсин», деди. «Сен ўшалардансан», дедилар. Сўнгра бошқа бир киши ўрнидан туриб, «Аллоҳга дуо қилинг, мени ҳам ўшалардан қилсин», деган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уккоша сендан ўзиб кетди», дедилар».

Муттафақун алайҳ.

Манба: hadis.islom.uz

